

Қонунчиликдаги ўзгаришлар
электр ва иссиқлик энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлайди, истеъмолчилар манфаатлари бузилишининг олдини олади



«Олимпия-2018» учун кураш бошланди
Халқаро Олимпия қўмитасининг (ХОҚ) экспертлари ҳар бир номзод шахарнинг ташкилотчилик имкониятларини аниқлашга ўрганиб чиқади. Шундан сўнг, аниқроғи, 2011 йилнинг июль ойида Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида бўлиб ўтадиган ХОҚнинг навбатдаги сессиясида мезбон шахар номи расман маълум қилинади.



БУГУНГИ
СОНДА:
2

Сайлов маданияти ва сиёсий маданият

жамиятни бошқаришга қодир етук номзодларни танлашнинг, демократик ислохотларни амалга оширишнинг муҳим шарти

**Ўзбекистон
«ADOLAT»
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI**

ADOLAT

Ижтимоий-сиёсий газета

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№ 44
(748)
2009 йил,
23 октябрь,
жума

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Хисобот-сайлов конференцияси

Муҳим синов палласи

Эл-юрт орасида обрў-эътиборга эга, фаол ва жонқуяр, энг муҳими, партия мафкураси ва ғояларини қўллаб-қувватловчи кишиларни депутатликка номзод сифатида кўрсатиш «Адолат» СДПнинг бўлғуси сайловлардаги муваффақиятли иштирокини таъминлайди

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Жиззах вилояти Кенгашининг IV ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят партия ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолияти уқур таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Конференцияда эътироф этилганидек, ҳисобот даврида ҳудудий ташкилот ташкилий жиҳатдан мустақамланди ва ғоявий жиҳатидан. Партиянинг «Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони» шioriини амалга оширишга интилиб, туман ва шаҳар партия ташкилотлари ҳамда БПТлари амалий саъй-ҳаракатларини аниқ шу мақсадга йўналтирди. Қолаверса, фароллар зиммаларидаги аниқ вазифалар ёки ижтимоий дастурларни бажаришда, шунингдек, йилларнинг номланиши билан боғлиқ Давлат дастурлари ижросини таъминлашда ҳамжиҳатлик кўрсатишди.

— Ўтган йиллар давомида вилоят партия ташкилоти томонидан 200 дан ортиқ ижтимоий ташаббуслар амалга оширилди, — деди вилоят Кенгаши раиси Анвар Темиров ўз маърузасида. — Туман ва шаҳар партия Кенгашлари ташаббуси билан 400 дан ортиқ ташвиқот-тарғибот, маънавий-маърифий ва бошқа тадбирлар ўтказилди. Ушбу тадбирларда 29 мингдан ортиқ кишининг иштирок этгани партия нуфузининг юксалишига хизмат қилди. Шу билан бирга, партия маъкеини янада мустаҳкамлаш йўлида барча имкониятлардан фўйик ва самарали фўйдаланилмаганини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли. Хусусан, 2004 йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида бўлиб ўтган сайловларда қўйилган натижаларга эришилмагани вилоятда партия ташкилотларининг фаолият самарадорлиги ва қўламини янада кенгайтиришга, таъсирчанлигини оширишга салбий таъсир ўтказмай қолмади...

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон саноатчиларининг мазкур форуми мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш доирасида ўтказилмоқда. Мамлакатимизда учинчи бор ўтказилаётган мазкур ярмарка ва биржага халқаро мақом берилди. Бу гал ушбу тадбирларда Германия, Италия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Хитой, Польша, Россия, Туркия сингари 46 мамлакатдан 650 дан ортиқ хорижий фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда. Бу ерда мамлакатимизнинг 360 дан зиёд корхона ва компанияси ўзининг турли маҳсулот ва хизматларини намойиш этмоқда.

Бу галги форумнинг асосий вазифаси юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида янада кенгроқ маълумот бериш, шериқларни топиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни етказиб бериш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан хўжалик шартномаларини тузишга кўмаклашишдан иборат. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси иқтисодий реал секторини янада ривожлантириш вазифасини ҳал этган ҳолда, хўжалик юртувчи субъектларга ишлаб чиқаришни оптимallasштириш, тармоқлар ичида, тармоқлараро ва халқаро кооперацияни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашади.

Кўргазмада республикаимиз саноатининг етакчи тармоқлари, корхоналари ишлаб чиқариш секторлари бўйича ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Унда минерал-ҳомашё ресурсларини геологик қидириш, қайта ишлаш, импорт-порт машинасозлиги кенг миқёсда тақдим этилган. Кўргазманинг корхона ва



Улкан имкониятлар намойиши
«Ўзэкспомарказ» павильонларида Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси бўлиб ўтмоқда



ника, кимё, фармацевтика, энгил ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари, матбаа, транспорт ва транспорт машинасозлиги кенг миқёсда тақдим этилган. Кўргазманинг корхона ва ташкилотлар стендларида четдан олиб келинаётган маҳсулотлар, маҳаллий хомашё ресурсларидан фойдаланиш, технологик модернизация қилиш ва кооперация алоқаларини ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш нўқтай назаридан маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар билан танишиш мўмкин.

Тадбирларга мамлакатимизнинг ушбу йўналишда муvахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртлари вакиллари жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўз мухбиримиз. Суратларда: кўргазма фаолиятдан лавҳалар.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОКЕАЛАР, ХАБАРЛАР

★ **ХОРАЗМ.** Хивадаги «Касаначиликни ривожлантириш маркази» ташаббуси билан туманининг Жураён қишлоғида касаначи аёллар устахонаси ташкил этилди.

Устахонага 40 нафар тикувчи, зардўз каби касбкорга эга хотин-қизлар жалб этилиб, уларнинг ҳар бирига меҳнат дафтарчалари очилди. Ўтган бир ой ичида бу ерда 8 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Шунингдек, устахона қошида ёшларни ҳунарга ўргатувчи ўқув курси ҳам фаолият олиб бормоқда.

★ **ТОШКЕНТ.** Юқори Чирчиқ туманидаги «ТАНО» фермер хўжалигида сутни қайта ишлайдиган кичик корхона ишга туширилди.

Россиянинг «Ижмол-пак» корхонасидан келтирилган технология асосида фаолият бошлаган мазкур корхона кўнига 5 тоннагача сутни қайта ишлаш қувватига эга. Айни кўнларда бу ерда қатик, қаймоқ, твoрoг, пишлоқ, сметана сингари сўт маҳсулотлари тайёрланмоқда. Корхона ишга тушиши билан 12 та янги иш ўринлари яратилди.

★ **САМАРҚАНД.** «Бўлунгуннинг меваси» Ўзбекистон — Бирлашган Араб амирликлари кўшма корхонаси янги мавсум ҳосилидан қайта ишланаётган маҳсулотларини хорижга экспорт қила бошлади.

Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига мувофиқ сиёсий партияларнинг 2009 йил декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишига доир ариза ва бошқа ҳужжатларини кўриб чиқди.

Марказий сайлов комиссияси тартибига кўра, 2009 йил 17 октябрда қабул

қилинган 426 ва 427-қарорларига биноан Ўзбекистон Халқ-демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг, 2009 йил 18 октябрдаги 428 ва 429-қарорларига мувофиқ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-де-

мократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда қатнашишига ижозат берди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ўзбекистон



Адлия вазирлигида ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ

Адлия вазирлигининг кенгайтирилган Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Адлия вазир Р.Мухитдинов бошқарган мазкур мажлисда адлия органлари ва муассасаларининг 2009 йилининг ўтган 9 ойи давомида амалга оширган ишлари сарҳисоб қилинди ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Маълумки, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш адлия органларининг биринчи галдаги вазифаларидан бири саналади. Шу мўносabat билан ҳисобот даврида адлия органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид жами 21 минг 500 дан ортиқ муvожабатлар кўриб чиқилиб, уларнинг 71 фоизга яқини қаноатлантирилди.

Тиниқ орзулар, аниқ мақсадлар

Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига кўра бу йил вилоятимизда намунавий лойиҳалар асосида қатор замонавий бинолар бунёд этиладиган бўлди. Бу иш айниқса, шу йил сентябрь ойида Тошкентда — «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмасидан сўнг жадал тўс олди.

Боз устига, давлатимиз раҳбарининг ўтган ҳафта вилоятимизга қилган ташрифи бу ишларга янада туртки берди. Ҳозир вилоятимизнинг деярли ҳамма туманларида намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши учун катта тай-

ёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Юртбошимиз ташрифи давомида жойларда бўлиб, 2008 йил 5 майда қабул қилинган «Фаргона ва Қўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижроси билан ҳам муфассал танишди.

Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиалининг янги биносини, Қўқон шаҳрида барпо этилган замонавий деҳқон бозорини, қадимий обидаларни, меъморий ёдгорликларни қўздан кечириб, вилоятнинг ҳар икки шаҳри яна ҳам кўркам қиёфа касб этиши кераклигини айтиди, далаларда фермерлар билан суҳбатда бўлди.

Бундан кўриниб турибдики, шахсан Президентимизнинг ўзлари мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқлари ривожига, ободончилигига ҳар домғидек алоҳида эътибор бермоқда. Ҳозирги кўнда вилоят туманларида 80 дан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатаётгани, 49 та йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми ҳар қачонгидан ошгани, Фаргона шаҳри ва Бешарик, Бағдод туманларида шу йилнинг ўзида «Фаргона спининг», «Chin-chin adil», «Kalaroga teks», «Корея хана медал инвент» каби салохиятли қўшма корхоналарнинг ишга туширилгани фикримизнинг яққол далилидир.

Бундан ташқари, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да вилоятимизда иккита академик лицей, 22 та касб-ҳунар коллежи қуриб битказил-

мужассам топган ислохот одимлари

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ҚАДРАН ГАЗЕТЧОЛАР!

ОБУНА — 2010

«ADOLAT» газетасига 2010 йил учун обуна бўлишга шошилинг!

Шунда у йил бўйи ҳафтада бир мартадан Сизнинг хонадонингиз эшигидан кириб бориб — ҳам меҳмон бўлади, ҳам мезбонлик қилади.

Обуна «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг жойлардаги бўлимларида расмийлаштирилмоқда.

«ADOLAT» доим ҳамроҳингиз бўлсин!

Нашр индексимиз — 100.



★ **НАМАНГАН.** Вилоятдаги 225 та ҚВП — қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик — 2» лойиҳаси доирасида замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Қишлоқ аҳлига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш йўлида барча ҚВПлар кўчма электрокардиограмма, сўнъий нафас олдирish аппаратлари, махсус музлаткич ҳамда қуриштиш шкафлари билан таъминланди. Бунинг учун 115 миллион 845 минг сўмлик маблағ сарфланди. Йил охирига қадар яна 20 та ҚВП шундай икониятга эга бўлади.

Кенг ва тенг имкониятлар

Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий аппаратида Тошкент шаҳар партия Кенгаши томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига тавсия этилган номзодлар иштирокида «Сайлов кампанияси даврида жамоатчилик билан алоқалар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, шаҳар партия Кенгаши етакчилари, партия фаоллари иштирок этди.

Демократик ҳуқуқий давлатда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишида сайлов тизими муҳим аҳамиятга эга. Сайловлар давлат ҳокимиятини шакллантиришда сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ифода этади. Бу эса илғор ғоя ва қарашлар кураши баробарида жамиятда барқарорликни сақлаш, халқ хоҳиш-иродаси ифода этилган тўғри йўлни танлаш имконини беради.

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов

тизими яратилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Юсуфжон Нишонов. — Сайловларнинг умумэтироф этилган халқаро меъёр ва принципларига мос келадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланган самарали қонунчилик базаси шакллантирилди. Шунга мувофиқ, мамлакатимизда сайлов кампаниясини ўтказишда, шунингдек, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурларида белгиланган мамлакатни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий

ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича позицияларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларида фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратиш мақсадида барча чоралар кўрилади.

Тадбирда сайлов кампанияси даврида жамоатчилик билан ишлаш муҳимлиги қайд этилди. Унда сўзга чиққанлар жамоатчилик билан алоқаларнинг самарали усул ва услублари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Ўз мухбиримиз.

Тадбир

Долзарб мавзу

Сайлов маданияти ва сиёсий маданият

жамиятни бошқаришга қодир етук номзодларни танлашнинг, демократик ислохотларни амалга оширишнинг муҳим шарти

Давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда демократик жамият қуришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланган сайловлар, уларга тайёргарлик билан боғлиқ жараёнлар ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларида, кенг жамоатчилик ўртасида қизгин муҳокама қилинмоқда.

Хўш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари бўлиб ўтаётган бу галги сайловлар қайси жиҳатлари билан алоҳида аҳамият касб этмоқда? Сайловлар муваффақиятини таъминлайдиган асосий мезонлар нималардан иборат? Ва, низоҳат «Адолат» социал-демократик партияси фаоллари, тарафдорлари сайловолди тайёргарлик жараёнларига зарур муносабат билдиришяптими?

Мухбиримиз Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Самарқанд минтақавий ахборот-таҳлил маркази катта илмий ходими, профессор Фарҳод НАБИЕВ билан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Бугун фуқароларнинг ижтимоий онги, тафаккур доираси жамиятдаги ўзгаришларга монанд равишда ўзгариб, юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини пайдо қилмоқда, десак сира аниқ бўлмайди. Энди шу жараёнда сайлов маданияти ва сиёсий маданият тушунчалари ҳам тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Айтинг-чи, бу икки тушунчанинг сайловлар тақдирига қанчалик таъсири бор?

— Аввало, бир нарсани фарқлаб олишимиз зарур: сиёсий маданият, ҳусусан, сайлов маданияти қандайдир ўткинчи, мавсумий тушунча эмас, аксинча, фуқароларнинг эркин ҳуқуқий демократик жамият асосларини мустаҳкамлашда онгли иштирок этишларини таъминлайдиган доимий фикр-муносабат ва интилишлар ўлچовдир. Сиёсий маданият одамларни сиёсий ҳаётда, аниқсая, сайловлар жараёнида фаол иштирок этишга ундайди. Сайлов натижасига қўра эса давлат ҳокимиятининг олий органи шаклланади. Демак, давлат бошқаруви халқчил бўлиб, фуқароларга хизмат қилиши учун халқ манфаатини ифода қиладиган ҳокимиятни шакллантириш лозим. Шунинг учун ҳам ўз тақдирига бефарқ бўлмаган, сиёсий жиҳатдан маданиятга киришган жамият тақдирига масъулият билан қарайди.

— Кўпчилик сайлов ва сайлов маданияти деганда фақат овоз бериш жараёнини тушунади. Ҳолбуки...

— Ҳақиқатдан ҳам, номзодларга овоз бериш — сайлов тизимининг бир қисми, холос. Сайловнинг бирламчи қисми эса номзод кўрсатиш жараёнидир. Бу сиёсий партиялар фаоллари, тарафдорларидан алоҳида масъулиятни талаб этади. Чунки ҳар бир партия ташкилотли депутатликка номзодлар захирасини анча барвақт шакллантириб олган ва уларнинг ҳар бири билан зарур тайёргарлик ишларини амалга оширган бўлиши зарур.

Овоз бериш жараёнининг муваффақиятли ўтиши айнан шу ҳолатга, яъни қанча

лик муносиб номзодлар тақлиф этилаётганлигига боғлиқ. Низоҳат, сайловларнинг учинчи муҳим қисми, бу сиёсий курашда ғолиб деб топилган номзоднинг сайловчилар билан доимий, изчил алоқани таъминлай олишидир. Учала ҳолат, яъни номзод кўрсатиш, овоз бериш ва сайланган депутат билан алоқаларни йўлга қўйишдан халқнинг бохабар бўлиши демократик сайловларнинг энг катта ўтуғи.

— Номзод кўрсатиш жараёнларидан халқ бохабар бўлиш керак, дедингиз. Айрим ҳолларда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар қайси мезонларга асосланиб тақлиф этилаётгани маълум бўлиб қолади...

— Афсуски, шундай ҳоллар ҳам учрайди. Фақат партия элитасига суяниб қолган, жамоатчилик билан кенгрок алоқа ўрната олмаган ёки ўз бошланғич ташкилотларини корхона, маҳаллаларда туза олмаган сиёсий партиялар номзод кўрсатишда тавakkалчиликка йўл қўйишлари. Ваҳоланки, партиянинг бошланғич ташкилотли халқ орасига аллақачон чуқур кириб борган бўлса, сайловчилар ҳам номзодлардан эртароқ бохабар бўлишган ва овоз бериш жараёнида уларга нисбатан ўз муносабатларини белгилаб олишган бўларди.

— Сайлов маданияти, сиёсий маданият ҳақида гапирдик. Бу фақат сайловчиларга тааллуқлими, ёки...

— Номзодларга ҳам бирдек тааллуқли. Депутат фаолияти сиёсат билан боғлиқ бўлгани боис унга нисбатан қўйилаётган мезон сиёсий маданиятни ҳам ўз ичига олади. Депутат давлат ҳокимиятининг олий органи бўлган Қонунчилик палатаси ёки маҳаллий ҳокимият вакили сифатида нафақат сиёсий жараёнларда иштирок этади, балки сиёсий фаолиятини бевосита амалга оширади.

Иккинчи мезон маънавият даражаси билан ўлчанади. Маънавият қашшоқ одамдан жамиятга фойда тегиши гумон. Қолаверса, юксак маънавиятлик инсонда ички назоратни шакллантириб, депутатлик фаолиятини амалга оширишда ўз-ўзига нисбатан талабчанликни, масъулиятни

куचाيتиради. Умуман, сиёсий маданият, маънавият тушунчаларини депутат учун ахлит фазилат деб ҳисоблайман.

Қуриб турибсизки, сайлов маданияти жуда серқирра тушунча бўлиб, жамиятнинг ҳар бир фуқаросига бевосита дахлдор. Номзоднинг илмий салоҳияти, билимдонлик даражаси ҳам ана шу маданиятнинг таркибий қисми. Чунки илму салоҳиятлик кишилар ҳокимиятни шакллантиришда қанчалик кўпроқ иштирок этишса, жамият шунчалик катта наф қўради.

— Номзодларга яна қандай талаблар қўйилиши мақбул деб ҳисоблайсиз?

— Депутатликка номзодларга талаблар сайловга оид қонунларимизда аниқ-равшан кўрсатиб берилган. Шу билан бирга яна бир гални алоҳида таъкидламоқчиман: машҳур француз файласуфи Фредрик Ле Пле «Жамиятни тушуноқ учун оилани тушуноқ қилиш» деб таъкидлаган. Демак, оиласини тўғри бошқара олган инсон жамиятни бошқаришга қодир бўлиши мумкин. Фақат шундай депутатгина жамиятнинг ривожланиш қонунларини аниқлаб этадиган ва муаммоларга тўғри ечим топа оладиган бўлади. Шунинг учун оиладаги муҳитнинг соғломлик даражаси номзодга қўйилаётган асосий мезонлардан бири бўлмоғи керак.

— Сайловлар арафасида ўз номзодларини тайёрлаётган сиёсий партияларнинг нодавлат, жамоат ташкилотлари билан алоқаларини қандай баҳолаш мумкин? Жамоат ташкилотлари партиялар номзодларини сайловларда қўллаб-қувватлашларига ишонса бўладими?

— Гап шундаки, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамфикр бўлиб ишлаш керак, деб ҳисоблаган сиёсий партияларнинг айримлари сайловларга оз фурсат қолгандагина ҳамкорликда фаолият юритиш ҳаракатига тушиб қолишмоқда. Очиги, ННТлар билан ойда, йилда бирор мартаба мулоқот ўтказмаган ёки бирор бир тарзда жамоатчилик назоратини ҳамкорликда амалга оширмаган сиёсий партиялар қандай қилиб уларга суяна олади? Ваҳоланки, сайловлардаги қўллаб-қувватлашлар азалий, изчил муносабатларга қараб белгиланади.

«Адолат» СДПнинг бу борадаги саяё-ҳаракатларини ижобий баҳоламоқчиман. Партиянинг вилоят ва шаҳар Кенгашлари Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Самарқанд минтақавий маркази, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ўнлаб жамоат ташкилотлари билан муттасил фойдаланиш ҳамкорлик қилиб келмоқда. Демак, ННТлар сайловларда ҳам «Адолат» СДПга энг яқин кўмакдош бўла олади.

Суҳбатдош:
Зоҳир ТҲАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири.

Кўмита йиғилиши

Ижтимоий соҳага эътибор

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитасида бўлиб ўтган йиғилиши Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджет лойиҳасининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларига йўналтириш мўлжалланган баёнлари тўғрисидаги масалага бағишланди. Депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашган тадбирда соҳага доир муҳим вазифалар муҳокама этилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга бағишланган мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди. Кам таъминланган аҳоли қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида кенг миқёсда ишлар амалга оширилди. Энг асосийси, ижтимоий адолат, ҳолислик ва ошқоралик таъминлашга қатъий амал қилинган ҳолда, мақсадли ва манзилли ижтимоий ҳимояни амалга оширишга қаратилган

тизим яратилди. Биргина 2008 йилнинг ўзида ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга бюджетдан 4248,7 миллиард сўм ёки 2007 йилдагидан 1,5 баравар кўп маблағ ажратилганлиги муҳим ижтимоий дастурларни ўз вақтида молиялаштириш имконини берди.


Йиғилишда эътироф этилдики, давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2010 йилда 8113,0 миллиард сўм ажратилиши белгиланган. Шунингдек, маориф соҳасига 4635, 1 миллиард сўм, соғлиқни сақлаш соҳасига 1704,1 миллиард сўм, ижтимоий нафақалар учун эса 1431,9 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Йиғилиш иштирокчилари ижтимоий соҳада яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш борасида фикр алмашдилар. Аҳолида ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий саводхонлик ошсанга, мақсадли ва манзилли ижтимоий ҳимояни

янада самарали амалга оширишда ижобий натижаларга эришиш мумкинлиги алоҳида қайд этилди.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП Дастурида ижтимоий ҳимоя муҳим фаолият йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинган. Шунга қўра, партия томонидан ўтган йиллар мобайнида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли тадбирлар амалга оширилди. Жойларда бюджет маблағларини мақсадли фойдаланилиши таъминлаш ва бюджет интизомига риоя қилиниши юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳам самарали фаолият олиб борди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан кўмита нуктаи назари белгиланиди.

Ф.ЭРКИНОВ,
«Адолат» мухбири.



ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Бугунги кунда Охунбобоев туманида 16 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти «Саломатлик-1» лойиҳаси бўйича замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Бешкапа қишлоқ врачлик пункти ҳам тумандаги замонавий, барча зарур тиббий ускуналарга эга муассасалардан. Бу ерда 8 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатилади.

Суратларда: қишлоқ врачлик пунктининг умумий амалиёт шифокори Умида Хотамова; тиббиёт ходимлари иш жараёнида.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар



Демократия кўзгуси

Ўзбекистон «Адолат» СДП Чироқчи туман Кенгаши таъаббус билан аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган «Сайловлар — демократиянинг муҳим воситаси» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда бўлажак сайловлар сайлов тизимини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш таъминлаш борасида ва қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда ўтказилиши алоҳида қайд этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати

билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлари ўзгариши ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунга мувофиқ, жамиятни демократик янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш жараёнларида мамлакат олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органларининг роли ва ўрни кучайди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 га кўпайтирилди. Эндиликда Қонунчилик палатасининг 135 та депутатлик ўрнига номзодлар фақат сиёсий партиялардан

кўрсатилади. Бу, албатта, давлат ҳокимиятининг қонунчилик, вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ролини оширади. Айни чоғда улар зиммасига сайловларга тайёргарлик қилиш ва уларни ўтказиш бўйича сайлов қонунчилиги талабларини бажаришга доир катта масъулият юкланади.

Тадбир иштирокчилари ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш билан бирга, бу борада ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам жавоб олишди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Адолат» мухбири.

Муҳим синов палласи

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Дарҳақиқат, аввалги сайловлар жараёнида сайловга тайёргарлик қилиш ва номзодлар кўрсатишда вилоят партия ташкилотлари томонидан бир қатор камчиликларга йўл қўйилди. Натижада партия вакиллари билан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодлардан бор-йўғи 4 нафари депутат этиб сайланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига эса вилоятдан депутат сайланишига эришилмади.

Уятган ҳар бир кун бизни мамлакат ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари бўлиб ўтаётган сайловларга тобора яқинлаштирмоқда, — деди Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Мухтор Эшбеков. — Бўлажак сайловларда олдинги сайловларда йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг такрорланмаслиги учун муайян чора-тадбирлар белгиланиб, бир қатор ишлар амалга оширилди. Авваламбор, партиянинг ҳақиқий таъини, кучи ҳисобланган унинг қуйи тузилмаларини партиявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, улар фаолиятини янада жонлантиришга жиҳдий эътибор қаратилди. Шу билан бирга, номзодлар захирасини шакллантириш ва номзодлар танлаш борасида ҳам изчил иш олиб борилди. Чунки эл-юрт ора-

сида обрў-эътиборга эга, фаол ва жонқуяр, қолаверса, партиямиз мафқураси ва ғояларини қўллаб-қувватловчи кишиларни депутатликка номзод сифатида кўрсатиш бўлғуси сайловларда муваффақиятли иш-тироқимизни таъминлайди.

Конференцияда сайлов кампаниясида фаол қатнашиш учун мавжуд барча имкониятларни, куч ва са-

лоҳиятни сафарбар этиш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Айниқса, партиянинг ҳамда депутатликка кўрсатилмаган номзодларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан долзарб масалаларни ўз ичига қамраб олган сайловолди дастурлари, уларнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга тезкор ва самарали етказиш низоҳатда муҳим аҳамият касб эти-

ши таъкидланди. Шунингдек, анжуман қатнашчилари бўлажак сайловларда депутатликка кўрсатилмаган номзодларнинг ишчилар ва аҳолий сифатлари билан яқиндан таништириш, сайловларга тайёргарлик қилиш ҳамда уни ўтказиш жараёнида сайловчиларнинг хабардорлигини таъминлаш каби масалаларни кенг му-

ҳокама қилдилар. Конференция иштирокчилари вилоят партия Кенгаши фаолиятига дахлдор бошқа муҳим масалалар тўғрисида ҳам атрофлича сўз юритдилар. Анжуман сўнггида вилоят партия Кенгаши ва Тафтиш комиссиясининг таркиби, шунингдек, партиянинг навбатдаги Курултойига делегатлар сайланди.

Сўз — конференция иштирокчиларига

Зулайхо АКРАМОВА,
вилоят партия Кенгаши қўшимча
Хотин-қизлар кенгаши раиси:

— Вилотимиз аҳолисининг 49,9 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар орасида фаол ва ташаббускор, энг муҳими, партиямиз ғояларини чуқур тушунадиган, қўллаб-қувватлайдиган аёллар қўллаб-қувватланади. Ана шундай фаол ва салоҳиятли хотин-қизларнинг партиямиз сафларига имкон қадар янада кўпроқ жалб этишимиз лозим. Айни пайтда бу йўналишда изчиллик билан иш олиб бораёلمиз. Zero, бу мақсадга эриша олам, ўз куч ва имкониятларимизни янада тўлиқ намоён этишимиз мумкин. Ана шунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда ҳам партиямиздан кўрсатилган номзод аёллар муносиб ўринни эгаллайдилар.

Манзура АБДУКАРИМОВА,
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
бош бошқармаси бўлим бошлиғи, партия фаоли:

— Ҳисобот даврида, айниқса, сўнгги йилларда партиянинг вилоят ҳамда туман ва шаҳар Кенгашлари билан ҳамкорликда ўнлаб меҳнат ярамқалари ташкил қилинди. Уларда қатнашган корхона ва ташкилотлар 3 мингта яқин бўш иш ўринларини тақдим этишди. Шундан 2050 нафари иш билан таъминланди. Шу ўринда, мазкур тадбирлар партиямиз дастурий мақсад ва вазифаларига тўла мос келишини таъкидламоқчиман. Негаки, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий омилларидан бири — бу аҳоли бандлиги-

ни таъминлашдир. Мамнуният билан айтиш мумкинки, вилоят партия Кенгаши томонидан мазкур йўналишда олиб борилган ишлар бесамар кетмаётир. Вилотда аҳолининг Ўзбекистон «Адолат» СДПга бўлган ишончини янада оширмоқда.

Ақбар ТОЛИПОВ,
Вилоят ўрта махсус касб-хунар таълим
бошқармаси ходими, партия фаоли:

— «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун метёбларининг ҳаётга татбиқ қилиниши натижасида сиёсий партияларга парламент Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятига, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларга фаол таъсир этиш учун ташкилий-ҳуқуқий шароит яратилди. Бу мамлакатимизда вакиллик демократияси ва фуқаролик жамияти институтларининг роли ошиб бораётганлигига яққол мисол бўла олади.

Демак, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг барча бўғинларидagi ташкилотларидан ҳам нафақат сайловлар арафасида, балки ҳар доим фаоллик, ташаббускорлик ва фидойилик талаб этилади. Аминманки, бўлғуси сайловларда биз, партиядошлар ҳамжihatликда иш олиб борсак, қўзлаган мақсадларимизга, албатта, эришамиз. Бунинг учун барча имкониятларимиз етарли.

Мухаммад ИСМОИЛОВ,
«Адолат» мухбири.

ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Шу билан бирга жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ҳуқуқий тарғибот бўйича адилия органлари ва муассасалари томонидан 35 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилганлиги эътироф этилди. Бу борада айрим вилоятларда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилганлиги танқид остига олинди.

Ҳайъат мажлисида республика иқтисодий ривожланишининг негизи ҳисобланган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва ноқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш чоралари қўрилганлиги таъкидлаб ўтилди. «Ишонч телефони»га келиб тушадиган мурожаатларни тезкорликда қўриб чиқиш ва ҳал қилишда қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш лозимлиги қайд этилди.

Шунингдек, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг иш юритишдаги мавжуд ижро ҳужжатларидан 1 миллион 420 мингдан ортигининг, яъни салкам 84 фоизининг ижроси таъминланганлиги эътироф этилди.

Муҳокама давмида жойлардаги адилия органлари ва тизимга кирувчи муассасалар раҳбарлари томонидан ташаббускорликни ривожлантириш, аҳолининг репродуктив саломаатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини ошириш йўналишида самарадорликни кучайтириш, адвокатлар институти ислох этиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада жонлантириш ҳамда бўлажак сайловлар жараёнида тарғибот тадбирларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ноқонуний текшириш ва аралашиларни олдини олиш бўйича кескин чоралар қўриш, суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этилишини сўзсиз таъминлаш, жойлардаги нотариат, ФХД идораларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини янада кучайтириш, фуқароларнинг мурожаатларини тўлиқ қўриб чиқишини таъминлаш каби адилия органларига юклатилган вазифалар юзасидан тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
«Адолат» мухбири.

изга қолдирмай йиғиштириб
иштириб вазирамиз, — дейди
пахта тозалаш заводи» ҳисса-
лиштири раиси Улуғбек Алиев,
— пахта далаларида фидокоро-
лаётган теримчиларга қўлай-
ли бор имкониятларимизни сап-
лишимиз. Хусусан, ҳашарчиларга
қилиб оқват ташкил қилинмоқда.
—нинг туман филиали орқали
—хар бир килограмм пахтаста
далада ҳақ тўлиниши таъминлан-
ган чора-тадбирлар самара-
лигунга келиб 100 дан ортиқ
лиқликлари контрактация шарт-
лириги билан бажарди.

—они оғир келишига қарамай
—нинг чўғи ҳар қачонгидан ба-
ди тумандиган «Зиекор» фер-
ли раҳбари Дилбар Эркабое-
ликтар ер майдонига экилган
—бир гектаридан 30 центнер-
лириб, 193 тонна (138 фоиз)
—тиничи теримдаёқ топириб,
—ортиги билан бажардик.

—янги ҳосилини қайта ишлаш
—қизгин бормоқда. 400 дан
—хадим ишлаётган маазкур
—3 сменада ташкил этилган
—гача 2 минг тоннадан ортиқ
—айта ишлашга эришилди.

Эмишжон ЮЛДОШЕВ,
«Адолат» мухбири

Бозор — юрт кўзгуси

Эл фаровонлиги ифодаси



Ўзининг 2200 йиллик муборак тўйини нишонлаган алим пойтахтимизнинг «Эски Жува» деҳқон бозори бугун эл фаровонлиги, юрт маъмуричилиги манбаига айланган. Мамлакатимизнинг қатор бозорларида бўлгани каби бу ерга ташриф буюрган харидор расталардаги тўкин-сочинликни кўриб, ризки улуг шундай экан яшаётганига шукроналар айтади. Бу эса, юртимиздаги мўл-кўчилик, файзу барака инсон манфаатларини қўллаб-қувватлаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий натижасидир.

— Халқимизда қайси халқнинг қандай яшаётганини билиш учун бозорини бориб кўр, деган нақл бор, — дейди «Эски Жува» деҳқон бозори раҳбари Мардон Ражабов. — Мустақиллик боис янада сайқал топиб, гуллаб-яшнаётган юртимиз бозорлари бугунги фаровон ҳаётимизни ўзида ифода этиб ту-



рибди. Пештахталардаги ноз-неъматлар нафақат ўзимизни, балки чет эллик сайёҳларни ҳам ҳайратга солимоқда. Уларда юртимиздаги тўкин ҳаёт тўғрисида ёрқин фикрларни уйғотапти.

Дарҳақиқат, кейинги пайтда кенг қўлмалли қурилиш ва таъмирлаш, ободончилик ишлари боис бозор иншооти замонавийлик би-

лан бирга миллийликни ҳам ўзида уйғунлаштирган. Қулай савдо расталари, миллий кўринишдаги дарвозалар кўпчилигини эътиборини тортмоқда. Шунга монанд маъмурият ташаббуси билан тирик балиқ савдосининг йўлга қўйилгани, фермерлар билан тузилган шартномаларга асосан арзон нархларда

гўшт ва гўшт маҳсулотларининг сотилаётганлиги, гуруч ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг пешма-пеш етказиб берилаётганлиги, айниқса, барчани мамнун этмоқда. Бу қулайликлар бозорга алоҳида фойда бағишляпти.

Ҳулом ХИДИРОВ,
«Adolat» мухбири.
Муаллиф олган суратлар.

SPORT, СПОРТ, SPORT

Ҳамюртларимиз совриндорлар сафида

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактаби қорларида ўтказилган халқаро турнир нияҳасига етди. Мусобақада ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишди.



Эътироф этиш жоизки, Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР) мусобақалари тақвимида ўрин олган, мукофот жамғармаси 125 минг АҚШ долларига тенг бўлган «Challenger Tashkent-2009» халқаро турнири нияҳатда қизгин ва қизиқарли ўтди. Ҳамюртларимиз билан бирга Испания, Россия, АҚШ, Кипр, Хиндистон, Украина, Хитой Тайпейи, Словакия, Голландия, Қозғистон, Бельгия, Германия, Япония, Чехия ва Молдова сингари хорижий мамлакатлардан кучли ракетка усталарининг ғолиблик учун кураш олиб боришгани турнирнинг янада мурасасиз ўтишини таъминлади.

Қувонарлиси, мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган теннисчиларимиз Денис Истомин ва Мурод Иноятлов жуфтлик баҳсларида барча рақибларини мағлуб этиб, бош соврин соҳиби бўлди. Қолаверса, Денис Истомин финал ўйинига қадр Сергей Стаховский (Украина), Юрий Шукин (Қозғистон), Мартин Лизан (Словакия) ва Ласко Лукас (Кипр) сингари тажрибали теннисчилардан устун келди. Финалда эса ҳамюртимизга кипрлик Маркос Багдатис рўбарў келди. Қизиқарли беллашув уч сет давом этди. Биринчи сетда 6/3 ҳисоби қайд этилган бўлса, иккинчи сетда теннисчимиз 1/6 ҳисобида зафар қучди. Бироқ, ҳал қилувчи сўнгги сетда дунёнинг энг кучли теннисчиларидан бири ҳисобланган Маркос Багдатиснинг қўли баланд келди.

«Олимпия-2018» учун кураш бошланди

2018 йилги қишки Олимпия ўйинлари Германиянинг Мюнхен, Франциянинг Анси ва Жанубий Кореянинг Пхенчхан шаҳарларидан бирида ўтказилиши мумкин.



Мюнхен шаҳри қишки Олимпиада мезбонлигини қўлга киритишда асосий даввогар деяр эътироф этилмоқда. Мабодо германияликларнинг ораси амалга ошгудек бўлса, Мюнхен ҳам ёзги, ҳам қишки олимпия ўйинларини қабул қилган биринчи шаҳар сифатида тарихга киради. Ўзининг 1972 йили Мюнхенда ёзги олимпия ўйинлари ўтказилган.

Пхенчхан (Жанубий Корея) Германия шаҳрига асосий рақобатчи бўлиши мумкин. Айтиш жоизки, мазкур шаҳар бу борада учинчи бор ўз омадини синаб кўрмоқда. Пхенчхан Канаданинг Ванкувер ва Россиянинг Сочи шаҳарларига аввалги курашларда имкониятни бой берган эди. Шундай экан, бу гал корейликлар ғолиблик учун курашга жиддий қиришлари турган гап.

Халқаро Олимпия қўмитасининг (ХОҚ) экспертлари ҳар бир номзод шаҳарнинг ташкилотчилик имкониятларини атрофлиқа ўрганиб чиқади. Шундан сўнг, аниқроғи, 2011 йилнинг июль ойида Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида бўлиб ўтадиган ХОҚнинг навбатдаги сессиясида мезбон шаҳар номини расман маълум қилинади.

Икки ўйин, икки ғалаба

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати саралаш баҳсларида ёш футболчиларимиз иккинчи ўйинда майдонга тушиб, иккинчи ғалабага эришди.

Ҳабарингиз бўлса, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси биринчи тур учрашувини покистонлик тенгқўлларига қарши ўтказишди, — 3:0 ҳисобида зафар қучишган эди. Чоршанба кўни А.Евстафеев шогирдлари навбатдаги, иккинчи тур учрашувида майдонга тушди. Қўтба чемпионати йўлланмасини қўлга киритишни ният қилган футболчиларимиз Қувайт ўсмирлар терма жамоаси дарвозасига ҳам жавобсиз 3 та тўп киритишга муваффақ бўлишди. Шу кўни Саудия арабистонлик ўсмирлар покистонликларни мағлубиятга учратишди: 2:0.

Бугун мусобақанинг Афғонистон — Ўзбекистон, Қувайт — Покистон иштирокидаги учинчи тур ўйинлари бўлиб ўтади.

Ойбек АБДУЛЛАЕВ.

Жаҳон жаҳоҳирлари жавонидан

Буюкликка энг яқини ҳалолликдир.

Виктор ГЮГО.

Дунёда ҳалол одамдан буюкроқ зот йўқ.

Роман РОЛЛАН.

Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди.

Фридрих ШИЛЛЕР.

Бир умр бахтли бўлишни истасанг — ҳалол одам бўл.

Томас ФУЛЛЕР.

Ўз ҳалоллигини намойиш этиш кўпроқ хушхулқ одамга ярашади.

АРАСТУ.

Ҳалол одамни таъқиб этиш мумкин, аммо уни бадном қилиб бўлмайди.

Франсуа ВОЛЬБЕР.

Эҳтиёт бўлинг, мультфильм!


Республика Маънавият тарғибот марказида «Болаларнинг маънавий камолотида мультфильмларнинг ўрни» мавзусида ўтказилган давра суҳбатда телеканалларимизда намойиш қилинаётган мультфильмларнинг ёт гоёлари таъсиридан фарзандларимизни асраш масаласи илгари сурилди.

«Ўзбекистон» миллий агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда мультфильм яратувчи режиссёрлар, киношунослар, санъатшунослар, педагог ва психологлар, шоир-ёзувчилар, болалар наشرлари ижодкорлари, мактабгача таълим муассасалари ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Дарҳақиқат, бола дунёқарашининг шаклланишида мультфильмларнинг ўрни беқийс. Киносанъатнинг ушбу жанри жажжи томошабинда кўтаринки кайфият уйғотиб, уларнинг қалбига эзгулик гоёларини шакллантиради.

Емонлик, ёвузлик инсонга қулфат келтириши, дунёда фақат аҳиллик қилиб яшаш кераклиги ҳақидаги тушунчаларга эга бўлишида мультфильмларнинг ҳам таъсири катта. Бу эса болалар учун китоб, журнал наشر этираётган, мультфильмлар яратётган барча ҳаётлардан катта масъулият талаб қилади. Ҳолбуки, телеканалларда намойиш этилаётган мультфильмларнинг кўпчилиги бизнинг менталитетимизга тўғри келмаётгани ачинарли ҳол. Ўзида ёвузлик, жангариллик, қўрқинчи хатти-ҳаракатлар юқори бўлган бу каби мультфильмлар фарзандларимиз руҳиятига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

— Бола атроф-муҳит, оила, кўраётган фильм ва мульт-



фильмларидан кўпроқ озиқ олади, — дейди «Ўзингизни англа» психолог маркази директори Замира Азимова. — Агар бола билан ўн минут суҳбатлашсангиз, унинг нимага қизиқиши, нимадан қучли таъсирланишини билиб оласиз. Улар эшитиб қолган ва кўраётган бу маълумотлар болалар учун қўроқ ҳисобланади. Шунинг учун улар олаётган маълумотларнинг қандай эканлигига эътибор қаратиш лозим. Айни пайтда марказимизга келётган ўнла одамдан еттигаси фарзандидаги муаммолар билан боғлиқ масалалар ечимини изламоқда.

Айтиш керакики, болаларда таҳлил қилиш қобилияти пасайиб кетган. Уларнинг аксарияти компьютер, интернет ва турли жангари фильмлар таъсирига тушиб қолган. Бунда биз, аввало, ота-оналарга мурожаат қилган бўлардик — фарзандингиз нима кўриб, нима эшитиб қолганидан бохабар бўлинг. Бугунги кўннинг долзарб масалаларидан бири бўлган ушбу мавзуга давра суҳбатда атрофлиқа тўхталиб ўтилди. Болаларнинг маънавий камолоти йўлида салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан воз кечиш зарурлиги қайд этилди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
«Туркий-пресс».

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати

Марказий Кенгаши

ҳамда Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ташаббуси билан мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида истиқомат қилаётган иқтидорли ёшлар Тошкент шаҳрига саёҳатга келди.

Улар орасида «Камолот» ЕИХнинг Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги фаоллари ҳамда республика миёли ўқув юр்தларининг турли соҳаларда катта муваффақиятларга эришаётган зукко талаба ва магистрларидан иборат 210 нафар билимга чанқоқ ёшлар бор. Тадбир иштирокчилари яқинда ўзининг 2200 йиллик тўйини кенг нишонлаган, жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қозонган, Ватанимизнинг йирик иқти-



содий, маданий ва илмий маркази — Тошкент шаҳрининг истиқлол йилларида барпо этилган ва қайта тикланган, қадимий ва замонавий меъморчилик аъёналарини ўзида уйғунлаштирган қадимий, тарихий обидалари, истироҳат боғлари ва илм масканларига ташриф буюрдилар. Ёшларда Мустақиллик майдони, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Ҳазрати Имом мажмуиси, Ёшлар ижодиёти саройи, Санъат музейи, Ўзбекистон давлат консерваториясининг муқташам бинолари катта таассурот қолдирди.

— Авваллари истиқлолимиз рамзи ҳисобланган Мустақиллик майдонини фа-

Тадбир

ПОЙТАХТГА САЁҲАТ

катгина ойнаи жаҳон орқали кўргандим. Энди уни ўз кўзим билан кўриб қувондим, — дейди Янгиер шаҳар Педагогика коллежи ўқувчиси Сурайё Ғаниева. — Президентимиз айтганларидек, ушбу монумент ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистонимизнинг чинакам тимсолига айланган экан.

Чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган ёшларга пойтахт бўйлаб уюштирилган саёҳатдан қўзланган мақсад — улар онгига бугунги тинч ҳаёт, мусаффо осмон ва фаровонликка синовлар ва машаққатлар билан эришганимизни сингдиришдан иборат.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири.

Қилмиш-қидирмиш

Банк соҳасидаги «ўйин»лар

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари талаб кун сайин ортиб бормоқда. Нозики, улар томонидан аҳолига кўрсатилаётган замонавий хизматлар, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги пул ўтказмалари, қолаверса, турли хил юқори фойдали йиллик омонат турларининг жорий этилганиги иқтисодиётимизнинг барқарорлашувига улкан ҳисса қўшмоқда. Қувонарлиси, банк иқтисодий ривожланиш манбаи эканлигини кўпчилик тушуниб етди. Албатта, бу қувонарли ҳол. Лекин, гуруч кўр-

максиз бўлмаганидек айрим ҳолларда тижорат банклари мутахасссларининг кассага, кассага қабилда иш юритиб қилиш молия муассасаларига нисбатан мижозлар ўртасида ишонсизлиқни келтириб чиқариётгани таъшишларни ҳол. Қўйида Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Юнусобод тумани бўлими томонидан амалга оширилаётган соҳадаги қонунибузилишларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Омонатга хиёнат

«Аска банк»нинг Юнусобод филиали «Пойтахт» минибанки раҳбари Ўқтамжон Якубов кўнлардан бир кун газначини қаҳриб: «— Оғайни, хўжайиндан бир хабар олай ҳам демайсан, чўнтак қуриб қолди-ку», — деб қолди.

Раҳбарининг нима дейётганини дарров англаб олган устаси фаранг газначи «— Ҳа, бир йўли топилди қолар, хўжайин!», — дея уни топилди. Орадан кўп ўтмай, фуқаро Г.Кичинаева минибанка келиб, 5 минг 575 АҚШ доллари омонатга қўйиш учун газначига топширди. Бундан кўнган газначининг қувончи мичига сиғмай, раҳбар ёнига ошқиди.

— Хўжайин, бугун бир аёл келиб, 5 минг АҚШ долларида зийд маблағни газначига топширди, анов кўнги гап-пингизни нима қиламиз, — деб қолди. Ўқтамбой узок ўйга толиб, ахир йўлини топди. Газначига хўж-жатарини олиб келишни буюрди ва уларни дарҳол қалбақлаштириб, 5 минг АҚШ долларини талон-тароз қилишга эришди.

Мазкур ҳолат юзасидан «Аска банк»нинг Юнусобод филиали ман-

сабдор ва моддий жавобгар шахсларига нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «а» банди ва 177-моддаси 2-қисми «б» банди билан жиноят иши қўзғатилди. Қилмиш-қидирмиш, деб шунга айтадилар-да.

Кассага, кассага

«ABN AMRO BANK UZBEKISTON MB» ёпиқ турдаги тижорат банки мутасаддилари томонидан амалга оширилган жиноий хатти-ҳаракатлар ҳаммасидан ошиб тушди. Улар кўрсатилган импорт хизматлари ҳисобидан 2004-2006 йилларда тўланиши лозим бўлган 1064,9 миллион сўмлик даромад солиғини банкнинг ўз ҳисобидан тўлаб юбориб, «Оқ туяни кўрдимми, йўқ», қабилда ишлайвер-ришган. Буниси камлик қилганидек, шунча маблағни хорижга чиқиб кетишга имконият ҳам яратиб берган. Оқибатда эса банк 2006 йилни 916,9 миллион сўм зарар билан яқунлади.

Ваҳоланки, «устомон мутасаддилар» юқоридagi қилгиликларни қилмаганида банк ўша йилни 304,7 миллион сўм соф фойда билан яқунлаган бўларди. Нима қилишсин, нафс қургур, ҳамма нарсадан устун келган-да. Дарвоқе, мутасаддиларнинг сахий-

лиги ва инсонпарварлиги тутиб, хориждан келиб банкда ишлайдиган 5 нафар ходимнинг яшаш шароитларини яхшилаш учун ижарага уй-ҳол олиб бериш керак, дея уларга 2 миллион 160 минг сўм маблағ ажратишди. Бироқ, ўрганган қўнги ўртанса қўймас, деганлари рост экан. Ижара ҳақи баҳонасида улар ҳе йўқ, бе йўқ 81,1 миллион сўмини (56624,04 евро) бош офисга ўтказиб юборишди. Банк мутасаддилари бундан ташқари ҳам бир қатор жиноий ҳаракатлар содир этганлиги текширув жараёнида ўз тасдиғини топди. Уларнинг оз эмас, нақд 1 миллиард 544,5 миллион сўм микдордаги катта пул маблағини «туя» қилишгани маълум бўлди.

Кейинги пушаймон ўзингга душман. Қолаверса, жиноятга жазо муқаррар. Банк мансабдор шахсларининг бу қилмишларига нисбатан Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми ва 205-моддаси 2-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Отбек САЙИМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖ ва ЖДЛҚК
Департаментининг
Юнусобод тумани бўлими бошлиғи.
Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
«Adolat» мухбири.

Adolat
ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН
«АДОЛАТ» СДП СИЁСЙ КЕНГАШИ
adolat_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир
Худойёр МАМАТОВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган
Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс);
котибхона — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-57-14
ISSN 2091-5217
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрир ҳайъати
Дилором
ТОШМУҲАМЕДОВА,
Исмомил САИФНАЗАРОВ,
Алишер МУМИНОВ,
Жовдотхон ИНОГОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Муҳаммад АЛИ,
Мамазоир
ХУЖАМБЕРДИЕВ,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Собир ТУСУНОВ,
Светлана ОРТИКОВА,
Талъат МУРОДОВ,
Қодир ЖУРАЕВ.

Нашр учун масъул
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)
• «Адолат»дан кўчириб босиб фақат тахририят руҳсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.
Нашр индекси 100
Набатчи муҳаррир — Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ
Набатчи — Фарҳод ЭСОНОВ